



# Халқ сўзи

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 25 июнь, № 128 (9299)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## АНДИЖОН ШАҲРИНИНГ «ТУРКИЙ ДУНЁНИНГ МАДАНИЯТ ПОЙТАХТИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ХАЛҚАРО ТАДБИРЛАР ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Аввало, сиз, азизларни Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган, кўхна ва бетакрор Андижон шаҳрининг 2026 йилда “Туркий дунёнинг маданият пойтахти” деб эълон қилиниши доирасида ўтказилаётган тадбирларнинг очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугунги маросимда иштирок этаётган халқро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатларнинг элчилари, туркий дунёнинг атоқли маданият, адабиёт ва санъат намояндаларини қизгин кутлаб, барчангизга юксак ҳурматим ва эзгу тилақларимни билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, Халқро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ раҳбарияти ва Ташкилотга аъзо давлатларга Андижон шаҳрини “Туркий дунёнинг маданият пойтахти” деб эълон қилганликлари учун чуқур миннатдорлик билдираман.

Хеч шубҳасиз, Андижон шаҳрининг бундай юксак шарафга муносиб кўрилганини Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданий-маънавий мероси, юртимизнинг туркий мада-

ният ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг халқро миқёсдаги яна бир эътирофи сифатида қабул қиламиз.

Азиз дўстлар!

Ватанимизнинг шарқий дарвозаси бўлмиш Андижон асрлар давомида маданият, адабиёт, санъат ва ҳунармандлик соҳаларидаги марказлардан бири бўлиб келган. Бу табаррук заминдан улуг саркарда ва давлат арбоблари, беназир алломалар, шоир ва адиблар, маҳоратли санъаткорлар етишиб чиққанини бутун туркий олам доимо миннатдорлик билан эътироф этади.

Бу ҳақда гапирганда, ушбу дилбар дёрнинг фахру ифтихори бўлган Бобур Мирзонинг улкан илмий ва адабий мероси, ҳарбий санъати, мумтоз шоиримиз Абдулҳамид Чўлпоннинг озодлик ва эркинлик қадри юксак пардаларда тараqqунм этилган ўлмас асарларининг ўзи кўп нарсадан далолат беришини таъкидлаш зарур. Миллий рақс санъатимизнинг ёрқин намунаси бўлмиш “Андижон полкаси”, одамларимизнинг беғубор қалби ва заковатини ўзида мужассам этган ас-

кия санъати нафақат бизнинг, балки бутун санъатсевар халқларнинг умумий маданий мулкига айланган, десак, муболаға бўлмайди.

Бу каби бебаҳо қадрият ва санъат дурдоналарини асраб-авайлаш ва бойитиш, улардан ёш авлодимиз ва жаҳон маданий жамоатчилигини кенг баҳраманд этиш борасида ТУРКСОЙ билан яқин ҳамкорликни юксак қадрлаймиз. Бу борада энг сара адабий асарларни ўз ичига олган 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари” тўплами нашр этилиб, ўқувчилар қўлига етиб боргани, мамлакатларимизда биргаликда кўплаб илмий анжуман ва конференциялар, турли маданий тадбир ва тақдимотлар ўтказилаётгани, шу йилнинг апрель ойда Ислоm цивилизацияси марказида ТУРКСОЙ офиси очилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистонлик санъат ва маданият намояндалари бугунги кунда халқро сахналарда, хусусан, ТУРКСОЙ томонидан ўтказилаётган нуфузли анжуманлар, фестивал ва танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг февраль ойда болалар рақс ва созандалик жамоаларимиз халқро фестивалда

Гран-прини қўлга киритгани барчамизни мамнун қилди.

Буларнинг барчаси халқларимизнинг теран илдиэга эга қардошлик ришталари бугун ҳам тобора мустаҳкамланиб бораётганини яққол намоён этади.

Қадрли анжуман иштирокчилари!

“Андижон — Туркий дунёнинг маданият пойтахти” лойиҳаси доирасида бир йил давомида мамлакатимиз ва қардош юртларда ўтказиладиган фестиваль ва илмий анжуманлар, бадий кеча ва ижодий учрашувлар маданий ҳаётимизда чуқур из қолдирадиган, дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини янада мустаҳкамлайдиган, ёш авлод учун кенг имкониятлар очадиган унутилмас воқеа бўлиб қолади деб ишонаман.

Сизларни яна бир бор чин дилдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, келгуси фаолиятингизга улкан зафарлар тилайман.

Ўзбекистон дурдонаси, олтин водий гавҳари — сўлим ва файзли Андижон шаҳрига хуш келибсиз, азизлар!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОГИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
**Шавкат Мирзиёев** ва Қозоғистон Республикаси Президенти  
**Қосим-Жомарт Тоқаев** 24 июнь кун  
бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда  
Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик  
шериклик ва иттифоқчилик  
муносабатларини янада мустаҳкамлаш  
муҳим эканини таъкидладилар.

Амалий ҳамкорлик, энг аввало, савдо, sanoat кооперацияси, энергетика, транспорт, экология, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида юқори суръат билан ривожланаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Барча даражадаги фаол алмашинувлар алоҳида эътироф қилинди. Етакчилар икки мамлакат Президентлари Администрациялари ўртасида эришилган келишувларни ўз вақтида амалга ошириш ҳамда шериклик кун тартибини янги лойиҳа ва ташаббуслар билан бойитишга хизмат қилаётган яқин ҳамкорлик йўлга қўйилганини олқишладилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчилари минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашиб, бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

Ў.А.

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## АДВОКАТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг  
Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ  
масалалари қўмитаси томонидан Адвокатлар  
палатаси ҳамкорлигида адвокатлар билан очиқ  
мулоқот ташкил этилди.

Унда депутатлар, олимлар, Адвокатлар палатаси масъуллари, Адлия вазирлиги, суд ва тергов органлари вакиллари ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари иштирок этди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда адвокатура институтини такомиллаштириш, унинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Адвокатура тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар бу соҳада туб ислохотларни бошлаб берди. Натижада юртимизда адвокатура фуқаролар ва ташкилотларга малакали юридик ёрдам кўрсата оладиган, ижтимоий аҳамиятли — махсус ҳуқуқ лаёқатига эга институт сифатида ўз ўрнига эга бўлмоқда.



### Дунё нигоҳи

## ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛАРНИ ЧОРЛАМОҚДА

«The New York Times» газетасида мамлакатимиз  
туризм салоҳиятига бағишланган мақола чоп этилди



A Silk Road adventure in Uzbekistan



Америка Қўшма Штатларида чиқадиған машҳур “The New York Times” газетасининг бутун жаҳонга мўлжаллаб чоп этиладиган сонида мамлакатимиз ҳақида “Ўзбекистон бўйлаб Ипак йўлидаги саргузаштлар” сарлавҳали йирик репортаж берилди.

Унда муаллиф — журналист Гейб Кастро-Рут Ўзбекистонга саёҳати ҳақида ҳикоя қилар экан, тагсарлавҳага чиқарилган “Ўзбекистонда нима сайёҳларни ўзига ром этади ва нега Марказий Осиёнинг бу мамлакати тобора кўпроқ дунё ёшлари эътиборини тортмоқда?” деган саволга жавоб излайди.

Репортаж Хивадан бошланади. Муаллиф бу шаҳарни томон маънода тарих жонланадиган маскан сифатида таърифлайди. Бу ерда мозаикалар кўёш нурида товланади, қадимий кўрғон деворларида ёрқин матолар кўзга ташланади, тандирдан хушбўй сомсалар узилади. Шаҳарнинг тор

кўчаларидан бирида юз берган ажойиб воқеа эса журналистда мамлакатимиз ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун асосий қалит вазифасини ўтайди. Минорага олиб борадиган йўлни топиш мақсадида муаллиф маҳаллий аҳоли вакилларида бирига мурожаат қилади. У эса йўлни тушунтириш ўрнига сайёҳни уйига таклиф этади, меҳмон қилиб, суҳбатлашади, кузатиб қўяётганда эса қўлига хурмо тутқазади. Муаллифнинг эътирофи этишча, бу инсоннинг исмини айтолмас-да, айнан шунга ўхшаш антиқа ҳодисалар унинг Ўзбекистондан олган таассуротларида муҳим ўринни эгаллайди.



### Муносабат

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ВА ТАШАББУСЛАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига бу галги ташрифи давомида иқтисодиёт, sanoat, рақамлаштириш, туризм, маданият, спорт, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий ҳимоя ва инсон капитали каби соҳалар бир бутун тизим сифатида кўриб чиқилди.



Хусусан, Наманганда ташкил этилган Замонавий вазиятлар маркази давлат бошқарувида рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш бўйича янги босқични бошлаб бераётгани диққатга сазовор. “Маҳалла ахборот ва хизмат маркази” лойиҳаси аҳолига давлат хизматларини маҳалланинг ўзида, “ягона дарча” тамойили асосида тақдим этмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан Наманган вилояти иқтисодиётини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ҳам стратегик аҳамиятга эга. Сўнгги йиллар-

да sanoat ҳажмининг қарийб ўн бараварга ўсиб, 40 трлн. сўмга етгани ҳудуддаги иқтисодий фаоллик ва тадбиркорлик муҳити сезиларли даражада яхшиланганини кўрсатади. Энди машинасозлик, металлургия, енгил sanoat, хизматлар соҳаси ва янги иқтисодиёт йўналишларини асосий драйверларга айлантириш бўйича берилган топшириқлар келгуси йилларда янада юқори натижаларга замин яратади.

Ташриф давомида аҳоли бандлиги ва камбағаллиқни қисқартириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Йил якунига қадар 80 минг аҳолини доимий иш билан таъминлаш, 21 минг оилани камбағалликдан чиқариш вазифаси қўйилгани давлат сиёсатининг марказида инсон манфаатлари турганини яна бир бор тасдиқлайди.



Давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига бу галги ташрифи ҳудуднинг яқин ва узоқ истиқболдаги ривожланиш йўлига янги рух, янги суръат бағишлади. Ташриф давомида рақамли бошқарув, sanoat, инвестиция, экспорт, қишлоқ хўжалиги, аҳоли бандлигини таъминлаш, таълим, инфратузилма ҳамда соғлиқни сақлаш соҳалари бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Бу эса давлат сиёсатида натижадорлик, манзилли ёндашув ва амалий самарадорлик устувор аҳамиятга эга эканини яна бир бор яққол намоён этди.

Айниқса, Наманганда “Ақли” вазиятлар маркази ҳамда “Маҳалла ахборот ва хизмат маркази”ни ташкил этиш ташаббуси давлат хизматларини аҳолига янада яқинлаштириш, бошқарувни замонавий рақамли технологиялар асосида йўлга қўйишга хизмат қилади. Маҳаллаларда 980 турдаги хизматларни “ягона дарча” тамойили асосида кўрсатиш режаси фуқаролар учун вақт ва ортиқча сарф-харажатларни камайтириш билан бирга, давлат идоралари фаолиятининг шаффофлиги ва самардорлигини оширади.

14 та “ақл мар-



кази”ни ишга тушириш орқали ҳудудларни илмий ёндашув асосида ривожлантириш вазифасининг қўйилиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Эндиликда ҳар бир туманининг иқтисодий салоҳияти, инвестиция имкониятлари, меҳнат унумдорлиги ва қўшимча қиймат занжирлари чуқур таҳлил этилиб, қарорлар илмий асосда қабул қилинади. Бу эса ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ҳудудлар рақобатбардорлигини ошириш имкониятини беради.



### Сенат қўмитасида

## ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИДА МУҲИМ ҚАДАМ

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси мажлисида “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига ўзгартаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Мазкур қонун билан товардаги нуқсонларни унинг ташқи кўриниши орқали аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда товар сифатини қўшимча текширишнинг ҳуқуқий асослари, тартиби ва муддатлари белгиланмоқда. Хусусан, товарнинг сифатини қўшимча текшириш зарур бўлган ҳолларда уни алмаштириб бериш муддати истеъмолчи талаб қўйган пайдан эътиборан йигирма кун этиб белгиланяпти.

Шунингдек, истеъмолчининг текширув жараёнида қатнашиши, унинг ўтказилиш вақти ва жойи ҳақида олдиндан хабардор қилинишини талаб этиши ҳамда товар сифатини ўз маблағлари ҳисобидан қўшимча текширтириш ҳуқуқлари ҳам мустаҳкамланмоқда.

Шундан сўнг Бошқарув сервис компаниялари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама қилинди.

Сенаторлар томонидан кўп квартиралли уй-жой фондини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда аҳолига сифатли коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида ахборот эшитилди.



### Сенатор ва ҳаёт

## САЙЁР ҚАБУЛЛАР — МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси  
**Зумрад Бекатова** Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё ва Тахиятош туманларида сайёр қабуллар ва аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказди.

Маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ҳудудий раҳбарлар ҳамда мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокидаги учрашувларда фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди. Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар фаолияти, депутатлик назорати самарадорлиги ва аҳоли билан ишлаш ҳолати ўрганилди.

Сенатор ҳудудларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, инвестиция лойиҳалари, иш ўринлари яратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишлар билан ҳам танишди. Автомобиль йўлларини таъмирлаш, ирригация объектиларини реконструкция қилиш борасидаги ишлар, шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти ўрганилди.



# ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИДА МУҲИМ ҚАДАМ



Бугунги кунда республика-миздаги кўп квартиралли уй-ларга хизмат кўрсатиш ти-зимини такомиллаштириш, соҳага за-монавий бошқарув усулларини жо-рий этиш ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш бўй-ча кенг қўламли ишлар амалга оши-рилмоқда.

Хусусан, кўп квартиралли уйлارни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, ички муҳандислик тармоқларини таъмир-лаш, лифт хўжалигини модернизация

қилиш, энергия самарадорлигини ошириш ҳамда соҳани рақамлашти-риш бўйича қатор амалий чоралар кўрилган.

Шунингдек, “Менинг уйим” ахбо-рот биллинг тизими, бошқарув орган-ларининг электрон реестри ҳамда бошқа рақамли платформаларни жо-рий этиш орқали соҳада очкилик ва шаффофликни таъминлашга қаратил-ган ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Муҳокама чоғида сенаторлар

аҳолини сифатли коммунал хизмат-лар билан таъминлаш, бошқарув ташкилотлари фаолияти самарадор-лигини кўтариш, рақамли хизматлар-дан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш юза-сидан қатор таклиф ва тавсиялар билдирди.

Муҳокама якунида қўмитанинг те-гишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

## Учрашув

# АҲОЛИГА ҚОНУНЛАР МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенати аъзолари ялпи мажлисда маъқулланган қонунлар ва муҳокама қилинган масалалар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш юзасидан ҳудудларда учрашувлар ўтказмоқда.

Хусусан, Сенатнинг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Кутбиддин Бурҳонов Андижон вилоятида халқ депутатлари вилоят, ту-ман ва шаҳар Кенгашлари депутатла-ри, котибят мудирлари, шунингдек, те-гишли ташкилот ва идоралар масъул ходимлари билан мулоқот ўтказди.

Тадбирда Сенатнинг ўн бешинчи ва ўн олтинчи ялпи мажлисларида маъ-қулланган қонунлар, уларнинг аҳамия-ти, амалиётга жорий этилиши натижа-сида қўтилаётган муҳим ўзгаришлар ҳамда аҳоли манфаатларини таъмин-лашдаги ўрни ҳақида атрофлича маъ-лумот берилди.

Электрон тижорат соҳасини ривож-лантириш, миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти талаблари билан уй-ғунлаштириш, бола ҳуқуқларининг қа-фолатларини кучайтириш ҳамда таъйик ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизимини тако-миллаштиришга оид қонунларнинг маз-мун-моҳияти, аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Шу билан бирга, суднинг мустақил-лигини ва судьялар дахлсизлигини таъ-минлаш, ов қилиш ҳамда овчилик хўжаликлари фаолиятини янада тако-миллаштириш ва халқаро молиявий му-носабатларга доир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирда халқ депутатлари Андижон вилояти, туман ва шаҳар Кенгашлари-нинг фаолияти самарадорлигини оши-риш масаласига ҳам эътибор қаратил-ди. Хусусан, маҳаллий Кенгашлар фа-олиятини янада кучайтириш, депутатлик назоратини самарали ташкил қилиш ҳамда ҳудудларда аҳолини ўйлантираётган ма-салаларни ўз вақтида ҳал этиш юза-сидан тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, сенатор ҳамда халқ де-путатлари вилоят Кенгаши депутатлари иштирокида сайёр қабул ўтказилди. Унда фуқароларнинг мунозабатлари эшитилиб, уларни қийнаётган долзарб масалаларга эътибор қаратилди.

«Халқ сўзи».

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ВА ТАШАББУСЛАР

Бундан ташқари, қишлоқ хўжали-ги соҳасида белгиланган вазифалар ҳам аҳолининг даромадларини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Косонсой туманида чорва-чиликнинг кенгайтирилиши, Поп туманида адир ерларда саноатлашган органик боғ-лар ташкил этилиши иш ўринлари яратиш билан бирга экспортбоп маҳсулотлар ҳаж-мини кўпайтириш имконини беради.

Вилоятда инвестиция ва экспорт йўна-лишидаги вазифалар ижроси ҳам катта аҳамиятга эга. 5 млрд. долларлик хорижий инвестиция жалб этиш ва экспорт ҳажмини 1,2 млрд. долларга етказиш бўйича белги-ланган мақсадлар ҳудуднинг иқтисодий қуд-рати янада ошишига хизмат қилади. “Ягона экспорт экотизими”нинг жорий этилиши эса маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун янги бо-зорлар эшигини очади.

Наманганда ўтказилаётган 65-халқаро гуллар фестивали нафақат туристик, балки иқтисодий ва маданий брендга айлангани-ни алоҳида таъкидлаш лозим. Миллионлаб гул қўчатлари экилиб, халқаро рекорд қайд этилгани вилоят аҳолисининг меҳнатсевар-лиги ва ташаббускорлигининг исботидир.

Шунингдек, Халқаро мақом санъати ан-жуманининг Наманганда ўтказилиши мам-

лакатимизнинг бой ма-даний меросини жаҳон ҳамжамиятига кенг тарғиб этишга хизмат қилмоқда. Бу каби тад-бирлар халқлар ўртаси-даги маданий мулоқот-ни мустаҳкамлаб, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини янада оширади.

Умуман олганда, Президентимиз ташри-фи давомида белгиланган вазифалар На-манган вилоятини иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқишга қаратилган. Энг му-ҳими, барча ташаббус ва лойиҳалар марка-зида инсон манфаатлари, аҳоли фаровон-лиги ва ҳудудлар тараққиёти турибди.

Ташриф давомида белгиланган берилган вазифаларнинг тўлиқ ижроси Наманган вилоятининг нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё миқёсида ҳам иқти-содий ва маданий тараққиёт марказла-ридан бирига айланишига мустаҳкам за-мин яратади.

Гулнора МАЪРУҒОВА,  
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси.

# ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИ СИФАТ БОСҚИЧИДА

Аҳоли банд-лиги ва кам-бағалликни қисқарти-риш масалалари ҳам ташриф кун тарти-бининг марказида бўлди. Йил якунига қадар 80 минг нафар аҳолини доимий иш билан таъминлаш, 314 минг фуқаронинг даромадини оши-риш ва 21 минг оилани камбағалликдан чиқариш бўйича белгиланган вазифалар ижтимоий сиёсатнинг аниқ натижага қар-тилганини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида Косонсой ва Поп ту-манлари мисолида белгиланган янги лойи-ҳалар ер ресурсларидан самарали фойда-ланиш, чорвачиликни ривожлантириш ва органик бодғдорчиликни кенгайтириш орқа-ли қишлоқ аҳолиси даромадларини ошириш-га имкон беради. Айниқса, адир ерларда саноатлашган боғлар барпо этиш ташаббу-си экспортбоп маҳсулотлар етиштириш им-кониятларини кенгайтиради.

Давлатимиз раҳбари ёшларни замонавий касбларга ўқитиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Халқаро стандартларга мос хусусий ўқув-баҳолаш марказларини ташкил қилиш ва 20 минг нафар ёшни ўқитиш вазифаси меҳнат бозори талабларига мос малакали кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу орқали ёшларнинг бандлиги таъминла-

ниб, уларнинг рақобатбардорлиги ошади. Инвестиция ва экспорт соҳасида бел-гиланган вазифалар ҳам эътиборга молик. Жорий йилда 5 млрд. долларлик инвести-ция жалб қилиш ва экспортни 1,2 млрд. долларга етказиш режаси вилоят иқтисо-дийётининг халқаро интеграциясини янада кучайтиради. “Ягона экспорт экотизими”-ни айтган Наманган мисолида жорий этиш маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун ташки бозорларга чиқиш жараёнларини сезилар-ли даражада енгиллаштиради.

Инфратузилма лойиҳалари эса аҳоли турмуш сифатига бевосита таъсир кўрсати-ши, шубҳасиз. Ичимлик суви ва канализа-ция тармоқларини кенгайтириш, Пунгон — Наманган автомобиль йўлини реконструк-ция қилиш, жамоат транспортни замона-вий автобус ва электробуслар билан янги-лаш каби ишлар ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш билан бирга, фу-қаролар учун янада қулай яшаш муҳитини яратади.

Маъзур ташриф якунлари ҳамда Президентимиз томонидан берилган топ-ширклиларнинг тўлиқ ва сифатли ижроси-ни таъминлаш, қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш ҳамда парламент назора-ти орқали амалий натижадорликка эришиш биз, депутатлар олдидаги устувор вазифа-лардан бири бўлиб қолади.

Маъруфжон РАҲМОНОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

# «ҲАМДЎСТЛИК БОЛАЛАРИ» ФОРУМИ ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН КУНИ

Тожикистон Республикасида ўтказилаётган XI халқаро маданий-маърифий “Ҳамдўстлик болалари” форуми доирасида Ўзбекистон кунини кенг нишонланди.

## Тадбир

Мазкур анъанавий тадбирда Ўзбекистон, Арманистон, Бела-русь, Қозогистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркма-нистондан 14 — 17 ёшдаги мак-таб ўқувчилари ва уларнинг ус-тозлари иштирок этмоқда.

Тадбир қатнашчиларига Са-марқанд, Бухоро каби қадимий шаҳарларимиз, Буюк Ипак йўли мероси, миллий анъаналаримиз ва замонавий тараққиётимизни акс эттирувчи видеотақдидмот намойиш қилинди. Ўзбекистон-нинг маданий ва меъморий бой-ликлари, халқимизнинг кўп аср-лик тарихи ҳақида кенг маъ-лумот берилди.

«Халқ сўзи».

# ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларда бўлиб, аҳоли билан фаол мулоқотлар олиб бормоқда. Учрашувлар давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти, давлат раҳбари томонидан илгари сурилаётган муҳим ташаббуслар, қабул қилинаётган қонунларнинг аҳамияти сайловчиларга тушунтирилмоқда. Жойлардаги мавжуд муаммолар ўрганилганди, уларни бартараф этиш чоралари кўрилиб, қонунчиликка тегишли таклифлар олинган.

## Депутатлар — ҳудудларда

### Мамлакат келажагига қўйилган мустаҳкам пойдевор

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳилола Юсупова Наманган шаҳрида бўлиб, бир қатор учрашувлар ўтказди.

Халқ вакили дастлаб Наманган шаҳридаги 3-техникумда яратилган шарт-шароитлар билан танишди. Қуввати 720 ўринли бўлган мазкур техникумда келгуси ўқув йили учун 660 нафар ёшни қамраб олиш режалаштирилгани бу ерда таъ-лимга бўлган эътибж юқори эканидан далолат беради.

Қувонтирадиган жиҳатлардан бири — таълим жараёнининг амалиёт билан уйғунлаштирилган-дир. Дуал таълим тизими орқали ўқувчилар нафақат назарий билим, балки ишлаб чиқариш жараёнида зарур бўладиган амалий кўникма-ларни ҳам эгалламоқда. Автомобиль сервиси, заргарлик, оспазлик, мода технологияси, дас-турлаш, архитектура дизайни, логистика, бух-галтерия ҳисоби ва аудит каби замонавий йўна-лишлар бўйича кадрлар тайёрланаётгани бугунги меҳнат бозори талабларига тўла мос келади.

Депутат таълим муассасасида ҳал этилиши лозим бўлган айрим масалалар ҳам борлигига эътибор қаратади. Шунингдек, ўқувчилар сонини ҳисобга олган ҳолда кенг ва замонавий ошхона қуриш, ёшларнинг спорт мунтазам шу-ғулланиши учун спорт зали барпо этиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Ҳилола ЮСУПОВА,  
депутат:  
— Кунини кеча Президентимизнинг Наманган вилоятига ташрифи аҳолига руҳий қувват, янги марралар сари интилиш ва эртанги кунга мус-таҳкам ишонч бағишлади. Давлатимиз раҳбари томонидан ҳудудларни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, ёшларга замонавий

билим ва касб-ҳунар бериш, уларнинг бандлигини таъ-минлаш борасида белгилаб берилган вазифалар ҳар би-римиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўз сайлов округимдаги учрашувлар давомида ана шу ислохотларнинг амалий натижаларини, одамларда-ги кўтаринки кайфиятни кўряпман. Бугун наман-ганликларнинг толеи баянд. Одамлар мамла-катимизда кечаётган ўзгаришларни ўз ҳаётида ҳис қилмоқда. Айниқса, ёшлар учун яратилаёт-ган имкониятлар, таълим ва касб-ҳунар соҳа-сидаги янгиликлар уларнинг келажакка бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Президентимиз ташрифи давомида белгилаб берилган вазифалар, халқимиз кайфиятидаги кўтаринкилик ва ҳудудларда амалга ошири-лаётган ислохотлар биз, депутатлардан янада фаол бўлишни, одамлар дарди ва орзулари бил-лан яшашни талаб этади.

Мулоқотлар давомида мамлакатимизда таъ-лим соҳасига қаратилаётган эътиборнинг ту-ш моҳияти ёшларга билим бериш, уларни касбли қилиш ва ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муно-сиб шароит яратишга қаратилгани таъкидланиб, Наманган ёшлари бу имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда юртимиз тараққиётига му-носиб ҳисса қўиши қайд этилди.

### Дахлдорлик ва миннатдорлик ҳисси

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулнораҳон Абдувоҳидованинг Булоқбоши тума-нидаги сайловчилар билан навбатдаги учрашув-лари самарали бўлмоқда.

Депутатнинг эътиборини тумандаги “Нефти-

Гулнораҳон АБДУВОҲИДОВА,  
депутат:  
— Ўрганишларимиз да-вомида лойиҳа доирасида рўёбга чиқарилган ишлар билан ҳам танишдик. Амалга оширилаётган обо-донаштириш тадбирлари кўчалар қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда. Энг муҳи-ми, аҳоли олиб борилаёт-ган ислохотлардан мамнун.

Ўз навбатида, аҳоли розилиги ва ишончи биз учун энг одил баҳодир. Бу каби натижалар сай-ловчилар мунозабатларини эшитиш, уларни чу-қур ўрганиш ва амалий ечим топиш йўлидаги ишларимизни янада фаол давом эттиришга ун-дайд.

Депутат билан учрашувда маҳалла фаоллари аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган амалий ишлар учун миннатдорлик билдирди.

Халқ вакили, шунингдек, маҳалла фахрийлари билан ҳам учрашиб, улар билан мулоқотда бўлди. Учрашувда нурунийларнинг таклиф ва мулоҳаза-лари тингланиб, маҳаллада амалга оширилаёт-ган ишлар юзасидан фикр алмашилди.

### Таълим муассасасидаги шароитлар қандай?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ойдин Абдуллаева Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернатида бўлиб, муассаса фаолияти, ўқув жараёни ҳамда мав-жуд шарт-шароитлар билан яқиндан танишди.

Мазкур таълим муассасаси ўзининг бой та-рихи ва анъаналарига эга бўлиб, мамлака-тимизда хореография санъатини ривожлантириш-да муҳим ўрин тутди. Бу ерда тахсил олаётган

ўқувчи-ёшлар Мустақиллик, Наврўз каби умум-халқ байрамлари ҳамда бошқа маданий-маъри-фий тадбирларда мунтазам иштирок этиб, улар-нинг юқори савияда ўтказилишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўрганишлар давомида таълим муассасасида ечим топилиши зарур бўлган бир қатор муам-молар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, муасса-са биноси умумий ер сатҳидан қўйида жойлаш-гани сабабли қор ва ёмғир сувлари ҳудудда тўпланиб, биронинг ертўла қисмига сизиб кир-моқда. Бу ҳолат ертўланинг техник ҳолатига сал-бий таъсир кўрсатиб, бинодан хавфсиз ва са-марали фойдаланишда муайян қийинчиликлар туғдириятти.

Муассасанинг электр тармоқлари ҳам эскир-ган. Натижада юқори кучаниш даврида электр таъминотида узилишлар кузатилиб, бу ўқув жа-раёни ва муассасанинг қўндалик фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мактаб-интернат хореография санъатига их-тисослаштирилган босиқ ўқув дастурига муво-фик, ўқувчилар мунтазам равишда концерт дастурлари, сахна чиқишлари ва репетициялар-да иштирок этади. Бироқ муассасада концерт ва репетиция қийимларининг етарли эмаслиги бундай тадбирларни тўлақонли ташкил қилиш имкониятларини чекламоқда.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,  
депутат:  
— Учрашув давомида му-ассаса раҳбарияти, педаго-лар ҳамда масъул ходимлар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни тингладик. Мавжуд муаммо-ларни босқичма-босқич бартараф этиш, таълим муассасасининг мод-дий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда ўқув-чилар учун муносиб шарт-шароитлар яратиш масалаларини назоратга олдик. Ўйлаймани, те-гишли мутасаддилар билан биргаликда мавжуд муаммоларни бартараф қилишга эришамиз.

### Мурожаатлар — доимий эътиборда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Манзура Салимова Фарғона шаҳридаги “Гулзор”





## АДВОКАТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР

— Юртимизда адвокатура институтини ривожлантириш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, фуқароларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди кўмита раиси Жаҳонгир Широнов. — Хусусан, адвокатуранинг ҳуқуқий мақоми конституциявий даражада мустаҳкамланди. Яъни жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам учун адвокатура фаолият кўрсатиши, унинг иши қонунийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш принципларига асосланиши белгиланган. Шунингдек, адвокат ўз касбий вазифаларини бажараётганда унинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги, адвокатнинг шаъни, қадр-қиммати ва касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлиши мустаҳкамланган.

Тадбирда таъкидланганидек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам адвокатура институтини ўз ўзини бошқариш тизимига ўтказиш ҳамда унинг давлат органлари ва бошқа тузилмалардан чинакам мустақиллигини таъминлаш, адвокатлар малакасини оширишнинг замонавий ва халқаро стандартларга мос келувчи ва муқобиллик тамойилига асосланган тизимини жорий этиш белгиланган. Шунингдек, адвокатлар сонини камида 2000 нафарга

## ОЧИҚЛИК СИЁСАТИ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОАВ ЎРНИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси томонидан “Очиқлик сиёсати шароитида замонавий журналистика ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни” мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

Депутатлар, давлат ва нодавлат телеканалларида фаолият юритаётган журналистлар ҳамда соҳа вакиллари иштирок этган тадбирда таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини янада кучайтириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз раҳбарлигида оммавий ахборот воситалари ходимларининг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини рағбатлантириш, соҳанинг моддий-техник ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилган кенг кўламли ишлар ҳам бу борада муҳим қадам бўлди.

Давра суҳбатида тележурналистиканинг сўз эркинлигини таъминлашда айна кундаги ҳолати, очиқлик индексида Ўзбекистоннинг эгаллашган макёи, сўнғий интеллектинг электрон ОАВ ва замонавий журналистика ривожидagi аҳамиятига оид маърузалар тингланди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини, ахборот олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги ва “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуналарда журналистларнинг касбий фаолиятини амалга ошириш, ахборот олиш, давлат органлари ва ташкилотларидан жамоатчилик учун аҳамиятли маълумотларни сўраш ва олиш ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилгани қайд этилди.

Шунингдек, мазкур қонунларга мувофиқ, очиқлик сиёсати самарадорлигини ошириш, давлат органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлашда ОАВнинг ўрнини кучайтириш, журналистларнинг ҳуқуқ

«Халқ сўзи».

# ХОМАШЁДАН ТЕХНОЛОГИК МУСТАҚИЛЛИККАЧА: НОДИР МЕТАЛЛАР ИНҚИЛОБИ ВА ИЛМ-ФАН УЙЎУНЛИГИ

Бугунги сўнғий интеллект, “яшил” энергетика ва космик технологиялар асрида глобал бозорда технологик металллар ва нодир минералларга талаб геометрик прогрессия тартибидида ошиб бормоқда. Электротехника, машинасозлик, авиация, тиббиёт ва ҳарбий саноат каби илғор соҳаларнинг келажаги айнан мана шу ресурсларга боғлиқ.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳузурида саноат учун муҳим минераллар хомашё базасини ривожлантириш ҳамда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бағишланган тақдиротда шу ҳақда сўз борди.

## Нуктаи назар

### Саноат суверенитети йўлидаги муҳим қадам

Ўзбекистон ер ости бойликлари ва нодир металллар захираси бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бироқ шу пайтгача ушбу улкан салоҳият тўлиқ ишга солинмаган эди. Жумладан, Ўзбекистон технологик металллар комбинатининг асосий фаолияти узок йиллар давомида фақатгина вольфрам ва молибден ишлаб чиқариш билан чекланиб келди. Тақдиротда ушбу консерватив ёндашувдан бутунлай воз кечиш, янги конларни фаол ўзлаштириш, замонавий бойитиш фабрикалари ҳамда юқори технологик гидро ва пирометаллургия заводларини қуриш орқали мамлакатда 28 турдаги муҳим минералларни саноат даражасида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича тарихий вазифа қўйилди.

Давлатимиз раҳбарига тақдирот қилинган 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегик режа ўз кўламига кўра мамлакат иқтисодий тарихидаги йирик лойиҳалардан биридир. Унга кўра, беш йил ичида умумий қиймати 4,2 млрд. долларлик 120 та инвестициявий лойиҳани амалга ошириш назарда тутилган. Ушбу инвестициялар эвазига соҳанинг умумий ишлаб чиқариш ҳажминини 2028 йилгача 1 млрд. долларга, 2030 йилга бориб эса 2 млрд. долларга етказиш режалаштирилган. Бу кўрсаткич соҳанинг макросиёсий аҳамиятини бир неча баробар ошириб, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини тубдан яхшилайдди.

Эътиборлиси, айни режалар бўйича шу йилнинг ўзидеёқ амалий ҳаракатлар бошланган. Жорий йилда умумий қиймати 166 млн. долларлик 12 та стратегик лойиҳа ишга туширилади. Бунинг натижасида иқтисодиётда жиддий ўзгаришлар кутиб беради. Хусусан, Ўзбекистон ўз тарихида илк бор юқори софликдаги селен, теллур ва рений каби нодир металлларни мустақил равишда ишлаб чиқаришни бошлайдди. Бу металллар яримуҳташчилар, қуёш панеллари ва авиация двигателлари учун зарур. Қолаверса, импорт ўрнини босишга ва кукун металлургиясига эътибор кучайтирилади. Кукун металлургияси асосида автомобилсозлик учун 21 турдаги юқори сифатли импорт ўрнини босувчи эътиёт қисмлар ҳамда қимматли саноат учун зарур бўлган сульфат кислотаси ишлаб чиқарилади. Янги қувватлар ҳисобидан юзлаб юқори маошли, интеллектуал иш ўринлари яратилади, маҳаллий бюджетларга тушумлар кўпайди ва экспорт имкониятлари кескин ортади.

Ўзбекистоннинг ушбу янги стратегияси халқаро ҳамжамиятнинг, хусусан, АҚШ (“С5+1” доирасидаги муҳим минераллар бўйича мулоқот) ва Европа Иттифоқининг минтақага қизиқиши юқори нуктага чиққан даврга тўғри келди. Гарб давлатлари Хитойнинг нодир металллар бозоридидаги монополиясига муқобил сифатида айнан Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонга катта умид билан қарамоқда. 4,2 млрд. долларлик лойиҳаларнинг амалга оширилиши ва Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик арасида турган Ўзбекистоннинг глобал қоидаларга мослашиши мамлакатни дунёдаги энг ишончли ҳамда жозибадор “яшил” ва технологик металллар етказиб берувчи марказга айлантиради.

Муҳим минераллар соҳасида бошланган ушбу ислохотлар — Янги Ўзбекистоннинг саноат суверенитети ва технологик мустақиллигини таъминлаш йўлидаги муҳим қадамдир. Ўзбекистон энди шунчаки оддий руда ва хомашё экспорт қилувчи эмас, балки юқори қийматга эга тайёр саноат маҳсулотлари ва нодир металллар ишлаб чиқарувчи глобал иқтисодий субъектга айланмоқда.

### Юқори технологияли, рақамлашган янги саноат экотизими


Ўзбекистон минерал ресурслар салоҳияти бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакат ҳудудида 30 дан ортиқ стратегик муҳим фойдали қазилмалар захиралари мавжуд. Хусусан, олтин захиралари бўйича дунёда 4-ўринда, қазиб олиш ҳажмига кўра эса етакчи ўнналикка қиради. Табиий уран захиралари бўйича 12-ўринда, уни қазиб чиқариш ва экспорт қилишда эса кучли бешликдан жой олган. Тасдиқланган мис захиралари бўйича 11-ўринда туради. Калий тузлари борасида эса 4-ўринни эгаллайди. Нодир металллар, яъни молибден, литий, кадмий ва нодир ер элементлари глобал “яшил” энергетика бозорига мамлакатнинг стратегик аҳамиятини оширмоқда. Сўнгги йилларда геология-қидирув ишларида жалб этилган инвестициялар натижасида 1650 дан ортиқ янги конлар очилди. Минерал ресурслар институти маълумотларига кўра, мамлакат ҳудуди атиги 40 фойизга батафсил ўрганилган, демак, улкан яширин салоҳият мавжуд.

“Давлатимиз раҳбарига тақдирот қилинган 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегик режа ўз кўламига кўра мамлакат иқтисодий тарихидаги йирик лойиҳалардан биридир. Унга кўра, беш йил ичида умумий қиймати 4,2 млрд. долларлик 120 та инвестициявий лойиҳани амалга ошириш назарда тутилган. Ушбу инвестициялар эвазига соҳанинг умумий ишлаб чиқариш ҳажминини 2028 йилгача 1 млрд. долларга, 2030 йилга бориб эса 2 млрд. долларга етказиш режалаштирилган.”

Глобал геосиёсий ва технологик курашлар янги босқичга чиққан бугунги даврда қайси давлат фақатгина хомашё сотиш билан чекланса, у жаҳон иқтисодиётининг чеккасида қолиб кетиши мумкин. Замонавий дунёда ҳақиқий суверенитет ва иқтисодий қудрат “хомашё — қайта ишлаш — тайёр маҳсулот” занжирини нечоғли мукаммал қуриш билан белгиланмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳузурида ўтказилган саноат учун муҳим минераллар хомашё базасини ривожлантириш тақдироти Ўзбекистоннинг глобал қиймат яратиш занжиридидаги ўрнини тубдан ўзгартдирувчи тарихий ислохотлар босқичини бошлаб берди. Бу стратегия юқори технологияли, рақамлашган ва илм-фанга асосланган мутлақо янги саноат экотизимини яратиш йўлидир.

Узоқ йиллар давомида Ўзбекистоннинг вольфрам ва молибден каби стратегик металллар бўйича фаолияти фақатгина яримтайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни хорижга арзон баҳода сотиш билан чекланган эди. Янги давр талаби эса ушбу эски ёндашувни бутунлай рад этади. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган асосий вазифа — вольфрам ва молибден бўйича “хомашё — қайта ишлаш — тайёр маҳсулот” тўлиқ занжирини яратишдир. Бундан бунён Ўзбекистон жаҳон бозорига фақатгина хомашё эмас, балки юқори қўшилган қийматга эга ноёб металл кукунлари, ўта мустаҳкам қотишмалар ва стерхенлар, юқори аниқликдаги силлар ва микроэлектроника деталлари, саноат ва машинасозлик учун тайёр қисмларни етказиб беради. Хомашё нарихдан бир неча баробар қимматроқ бўлган тайёр маҳсулотлар экспорти орқали эса миллиардлаб доллар даромад олиш имкони пайдо бўлади.

Ушбу стратегик мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш учун Чирчиқ шаҳрида мутлақо янги илмий-ишлаб чиқариш кластери яратилмоқда. Шаҳарда “Келажақ металлари” технопарки ва “R&D” (Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик) маркази ташкил этилади. Бу ерда илм билан ишлаб чиқариш ўртасида кўприк қурилади. Масалан, илмий иш-



ланмалар тижоратлаштирилади ва стартаплар фаол қўллаб-қувватланади. Яъни технопарк ва унинг резидентларига ер участкалари ҳамда инфраструктурадан фойдаланиш бўйича мисли кўрилмаган имтиёзлар берилади. Ёш олимлар ва муҳандисларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун махсус стартап дастурлари ишга туширилади.

Яна бир инкилобий қадам — Чирчиқда Марказий Осиёда ягона бўлган нодир ва муҳим минераллар бўйича илмий-тадқиқот ва технологик марказ ҳамда замонавий нанотаҳлил лабораторияси ташкил этилмоқда. Лаборатория тўлиқ қувват билан ишлаб бошлаган, бир кунда 1 мингтача геологик намунани юқори аниқликда таҳлил қила олади. Шу пайтгача хорижга юборилган таҳлиллар маҳаллийлаштирилиб, 6,5 млн. долларлик импорт хизматлари тежалди. Марказий Осиёнинг бошқа давлатларига хизмат кўрсатиш орқали йилга 4 млн. долларлик хизматлар экспорти йўлга қўйилади.

Бугунги металлургия ва геология — бу юқори аниқликдаги алгоритмлар ва рақамли тизимлар йўналиши. Шу боис соҳада рақамлаштириш ва сўнғий интеллект технологияларини жорий этиш устувор вазифа қилиб белгиланди. Эндиликда геология-қидирув ишлари эски усулларда эмас, балки энг замонавий технологиялар асосида олиб борилади. Ер ости конларининг уч ўлчамли рақамли моделлари яратилиб, сўнғий интеллект ёрдамида металлларнинг жойлашу-

ви ва захиралари аниқ прогноз қилинади. Барча геологик маълумотлар ва ҳариталар битта хавфсиз рақамли платформага жамланади. Кон қазихдан тортиб, тайёр маҳсулот олишгача бўлган барча жараёнлар рақамли датчиклар ва тизимлар орқали онлайн назоратга олинади. Эътиборлиси, лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилиши учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ўзгартрилмоқда.

Тошкент давлат техника университети ва Технологик металл комбинати ўртасида дуал таълим тизими йўлга қўйилди. Бу тизим доирасида комбинатнинг ўзидида металлургия ва материалшунослик бўйича ТДТУнинг 2 та махсус кафедраси очилди. Талабалар аудиторияда ўқиган назариясини ўша куннинг ўзидида заводда, амалиётда сынаб кўради. Ҳозирнинг ўзидида 64 нафар иқтидорли талаба корхонада бевосита амалиёт ўтамоқда. Давлатимиз раҳбари ушбу дуал таълим қамровини янада кенгайтириш, ўқув дастурларини 4,2 млрд. долларлик янги лойиҳалар эътиёжларига мослаштириш бўйича қўрсатмалар берди. Бу келажақда Ўзбекистоннинг муҳандислик ва илмий элитасини шакллантириш пойдевори бўлади.

### Модернизация дастури — мамлакат тараққиётига дахлдор масала

Яна бир мулоҳаза. Дунё иқтисодиёти сўнғий интеллект ва “яшил” технологиялар асрига ўтар экан, глобал бозорда хомашё ва нодир металллар учун кураш янги, мисли кўрилмаган босқичга кирди. Бугун саноат қудрати фақатгина ер остида қанча бойлик борлиги билан

эмас, балки уларни қазиб олиш ва қайта ишлашда қандай технологиялардан фойдаланилаётгани билан ўлчанмоқда. Ана шундай тарихий паллада Ўзбекистон Евросиёи маконидида кенг қамровли, изчил ва юқори технологик кончилик ва геология соҳасини модернизация қилиш дастурларидан бирини жадал амалга оширмоқда. Бу оддий режа эмас. Аксинча, миллий иқтисодиётнинг геологик суверенитетини таъминлашга қаратилган стратегик инкилобдир.

Шу маънода, Ўзбекистон ўз олдида жуда улкан мақсад қўйди: 2030 йилга қадар геология ва кончилик соҳасига 30 млрд. доллар ҳажмида инвестиция жалб қилиш. Мазкур маблаг соҳанинг инфраструктураларини янгиллаш, янги конларни кашф этиш ва юқори қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш тизимини қуришга йўналтирилади. Кейинги беш йил ичида республиканинг минерал хомашё базасини сезиларли даражада кенгайтириш ва давлат захираларини қўйидаги рақамлар ҳисобига бойитиш мақсад қилинган. Яъни олтин захиралари — қўшимча 879 тонна, қумушники — қўшимча 510 тонна, мисники эса қўшимча 676 минг тонна. Бу рақамлар Ўзбекистоннинг яқин ўн йилликлар учун иқтисодий барқарорлиги ва молиявий хавфсизлигининг мустаҳкам қафолати бўла олади.

Замонавий инвестор учун энг катта тўсиқ — маълумотларнинг ёпиқлиги ёки уларни излаб топишнинг қийинлиги. Ўзбекистон бу тизимли муаммага чек қўймоқда. Мамлакатда хорижий ҳамкорлар учун очик, ишончли ва тўлиқ рақамлаштирилган маълумотларни тақдирот этиши Миллий геологик маълумотлар репозиторийсига асос солинмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида софитқ иттифоқ даридадан қолган ва ҳозиргача йиғилган 36 мингдан ортиқ геологик ҳисоботлар ва архив маълумотларни тўлиқ рақамлаштирилади. Бу инвесторларга дунёнинг исталган нуктасидан туриб Ўзбекистон конлари ҳақида аниқ ва тезкор маълумот олиш имконини беради.

Янги стратегиянинг инкилобий жиҳати — сўнғий интеллект технологияларининг геология-қидирув ишларида фаол жалб қилиниши. Эндиликда инсон омили ва эскирган ҳисоб-китоблар ўрнига юқори аниқликдаги алгоритмлар ишга тушади. Сўнғий интеллект геология-қидирув ишларининг барча босқичларида жорий этилади. Ушбу чора улкан геологик маълумотларни сониларда таҳлил қилиш, ер ости кон захираларини юқори аниқликда прогнозлаш, ресурсларни халқаро стандартлар асосида баҳолаш, буригиларни оптималлаштириш орқали ортиқча харажатлардан қочиш, конларнинг уч ўлчамли геологик моделларини яратишга имкон беради. Натижада геологик маълумотларни қайта ишлаш ва ресурсларни моделлаштириш тезлиги 2 баравар ошади, янги конларни аниқлаш учун зарур бўлган вақт 50 фойизга қисқаради, саноат ва ишлаб чиқариш харажатлари 10 фойизга қамаяди, хорижий инвесторлар учун тайёрлаб бериладиган лойиҳалар сони 4 баравар кўпаяди.

Бу рақамлар шунчаки назария эмас. 2026 — 2030 йилларда Ўзбекистоннинг етакчи кончилик ва металлургия корхоналарида рақамли трансформация ҳамда сўнғий интеллект йўналишида 44 та йирик лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади. Улар қаторида Навоий кон-металлургия комбинати, Олмалик кон-металлургия комбинати, “Навоийуран”, “Ўзметкомбинат”, “Ўзбеккумир”, Ўзбекистон технологик металл комбинати каби саноат байроқдорлари бор. Бу лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида соҳада операцияларнинг 7 фойизга, ускуналар ва техникалар ишончилиги 20 фойизга, энергия самарадорлиги 8 фойизга ошса, инсон омили билан боғлиқ хатолар ва хавфлар 15 фойизга қисқаради.

Гоғуржон МУХАМЕДОВ, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.

## СОҒЛОМ ЖАМИЯТ ВА БАРҚАРОР КЕЛАЖАК ГАРОВИ

Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясида 26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунини муносабати билан “Гиёҳвандликка қарши курашда ёшлар ташаббуси: соғлом жамият — барқарор келажақ гарови” мавзuida республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

### Анжуман

Давлат органлари, таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, фаол ёшлар қатнашган ушбу тадбирда қайд этилганидек, гиёҳвандлик ва ноқонуний наркотик моддалар муомаласи нафақат алоҳида шахс, балки жамият тараққиёти, миллат саноатлиги ҳамда мамлакат хавфсизлигига таҳдид солаётган долзарб муаммолардан биридир. Айниқса, синтетик наркотик воситаларнинг интернет тармоқлари орқали тарқалиши ёшлар учун жиддий хавф тудирмоқда.

Анжуманда юртимизда гиёҳвандликка қарши курашиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, хусусан, наркотик ва психотроп воситалар, шунингдек, кучли таъсир этувчи моддалар ноқонуний муомаласи учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган янги қонунчилик нормаларининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Жумладан, шу йил 11 июнда қабул қилинган тегишли қонун билан Жиноят кодексига “Аҳоли салооматлиги ва генофондида қарши жиноят-

лар” номили янги боб киритилди. Ноқонуний нарколабораториялар ташкил этиш, наркотиклар савдосини бошқариш, бангхоналар очиб каби ҳаракатлар учун жавобгарлик кучайтирилди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти ҳамда Хуқуқни муҳо-

фаза қилиш академияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Мазкур меморандум ёшлар ўртасида гиёҳвандликка қарши профилактика ишларини янги босқичга олиб чиқиш, ҳудудларда тизимли тарғибот тадбирларини ташкил этиш, ёшларнинг антинаркотик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқни саводхонлигини ошириш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштиришга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

Мамлакатимизнинг Франкфурт-Майндаги Бош консулхонаси кўмагида хориждаги ўзбекистонликлар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида «Дўппи» ватандошлар уюшмаси ташкил этилди.



# Дўстлик ва ҳамжиҳатлик садолари



Мазкур ҳар икки тадбирда Шарқ мақомоти анъаналарини замонавий илмий ёндашувлар асосида ўрганиш, мақом, мугом, дастгоҳ ва муқом каби касбий мусиқа тизимлари ўртасидаги тарихий, назарий ҳамда ижро-чилик алоқаларини таҳлил қилиш

Бугун Наманган кўчаларида турли тилларда сўзлашаётган инсонларни учратиш мумкин. Аммо уларнинг барчасини бирлаштириб турган ягона тил бор. Бу — санъат тили.

Бу ерда ўтаётган Халқаро мақом санъати анжуманида халқаро тақдирлар раҳбарлари, вазирилар, маданият арбоблари, мусиқашунослар ва таниқли ижодкорлар қатнашмоқда. Улар учун ушбу форум Шарқ мусиқий тафаккурининг бой хазинасини яқиндан ҳис этиш имкониятини бераётди.

Санъат анжумани доирасида “Шарқ мақомотининг янги тенденциялари: анъана ва инновациялар уйғунлиги” халқаро илмий-амалий конференцияси ҳамда “Маданиятлараро мулоқот — тинчлик, ўзаро ишонч ва барқарорлик омили” мавзусида ШХТга аъзо давлатларнинг форуми ҳам бўлиб ўтди.

масалалари муҳокама этилди.

Конференция доирасида хорижий ва маҳаллий олий таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида ҳамкорлик меморандумлари имзоланиб, биргаликда мақом санъатини ўрганиш, таълим жараёнига татбиқ этиш ва халқаро илмий алоқаларни кенгайтиришга келишиб олинди.

Тадбир доирасида Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ва С. А. Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институтининг Тошкент филиали ҳамкорлигида “Ражабий коди: мақомнинг рақамли хотираси” номли қисқа метражли фильм тайёрланмоқда.



Шунингдек, Корея Республикаси мусиқа терапияси ассоциацияси билан ҳамкорликда мақом санъатининг инсон руҳияти ва маданий терапиядаги аҳамиятини ўрганиш бўйича истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

Куйида анжуманда иштирок этган хорижлик меҳмонларнинг миллий мусиқа меросини асраш, уни илмий асосда ўрганиш, ёш авлодга етказиш ва халқаро миқёсда тарғиб қилишга қаратилган фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

## Сўз — тадбир иштирокчиларига

**Султон ПАЕВ,**  
Халқаро туркий маданият ташкилоти —  
ТУРКСОЙ бош қотиби:



— Мақом ўзбек миллий маданиятининг ноёб ва бетакрор ҳодисаларидан биридир. У халқнинг маънавий бойлиги, миллий санъатнинг юксак намунасидир.

Давлатингиз раҳбарининг юксак эътибори ва қўллаб-қувватлаши туфайли мақом лазги, аския, бахшичилик каби миллий санъат турлари қатори янада ривожланмоқда. Бир вақтлар унутилиб кетиш хавфи бўлган кўплаб маданий мерос намуналари қайта тикланди ва янги ҳаёт касб этди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан маданият соҳасида кенг қўлмали ислохотлар амалга оширилаётганидан хабаримиз бор. Жумладан, Халқаро мақом санъати анжуманининг мунтазам ўтказилаётгани миллий маданият тараққиётида янги саҳифа очмоқда. Шу орқали Ўзбекистон нафақат ўз миллий меросини асраб-авайламоқда, балки жаҳон цивилизациясига ҳам муносиб ҳисса қўшапти.

**Сердар ЧАМ,**  
Туркия Республикасининг маданият ва туризм  
вазирлиги ўринбосари:



— Бундай анжуманлар келажак авлод учун жуда муҳим ва фойдали. Очиқлик маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари бутун дунёга муҳим бир мурожаат йўллади. Хусусан, дунё халқларининг мақом, мугом, муқом, дастгоҳ каби мумтоз мусиқа намуналари ҳақидаги маълумотларни ягона рақамли маконга қўчириш вақти келганини

айтиб, мақом санъати олимлари ва ижодкорларини Жаҳон мақом антологиясини яратишга қақирди.

Дарҳақиқат, ушбу маданий меросни асраб-авайлаш зарур. Мақом санъати жуда улкан маданий мерос бўлиб, бугунги кунда унинг қадр-қиммати дунё томонидан тобора чуқурроқ аниқланмоқда. Шарқдан ҳам, Ғарбдан ҳам кўплаб инсонлар бу меросга қизиқиш билдирмоқда.

Яна бир ҳақиқатни унутмаслик керакки, маданият, мусиқа, санъат ва илм-фан соҳаларини қатъий равишда Шарқ ва Ғарбга бўлиб бўлмайди. Улар халқаро ва умуминсоний бойлиқдир. Улар доимо ўзаро таъсирда бўлади, бир ҳудуддан бошқасига ўтади, ривожланади ва бойийди.

Шуни ҳам биз яхши биламизки, бу буюк маданий ва илмий анъаналарнинг кўпчилиги айнан шу заминдан униб чиққан ва тараққий этган. Мен турк халқи вакили сифатида илдишларимизнинг шу замин билан боғлиқлигидан фахрланаман. Ушбу меросни асраш ва келажак авлодларга етказиш масъулиятини ҳам ҳис қиламан.

**Берат ЭМИНИ,**  
швейцариялик мусиқа ва санъат эксперти:



— Анжуманга ТУРКСОЙ ташкилоти томонидан тақлиф қилинган мамнунман. Ўзбекистон мақом санъати ва унинг атрофидаги маданий муҳит мени ниҳоятда ҳайратлантирди. Бу йирқи тадбирда қатнашмиш баробарида у ҳақида янада кўпроқ маълумотларга эга бўлдим. Мақомнинг ўзи ва унинг ортида турган санъат

ҳақидаги қарашим шуки, бу — жуда гўзал санъат. У инсонга хотиржамлик бахш этади, қалбга осойишталик беради.

Шунингдек, турли мамлакатлар ўртасида боғланиш ва яқинлашнинг ўзига хос воситасидир. Масалан, мен Европаданман, бизда Ўзбекистон билан

тўғридан-тўғри тарихий алоқалар бўлмаган. Аммо Ўзбекистон мусиқаси ҳақида биринчи марта эшитганимдаёқ ўз маданиятимиз, мусиқий меросимиз билан маълум ўхшашликларни сезганман. Айниқса, мусиқа асбобларида. Албатта, улар айнан бир хил эмас, аммо ташқи кўриниши ва айрим хусусиятлари жиҳатидан муштараклик бор.

Қўшиқлар ҳам маълум маънода бир-бирига ўхшайди. Улар бир хил эмас, лекин диққат билан тингласангиз, ўзаро уйғунликлари яққол ҳис қилиш мумкин. Муҳими, ҳар икки санъатнинг вазифаси бир хил: инсонларга эзгулик улашиш.

**Акиф МАЪРИФЛИ,**  
Ўзбекистондаги Ҳайдар Алиев номидаги  
Озарбайжон маданият маркази директори:



— Озарбайжон мугоми ва ўзбек мақоми туркий халқларнинг муштарак маънавий қадриятлари ҳисобланади. Халқларимиз аجدодларимиздан бизгача етиб келаятган ана шу меросдан маънан озиқланган, қалби ва руҳини тарбиялаган.

Юртингизда ўтказилиши анъанага айланган мазкур нуфузли анжуман турк дунёсидagi умумий қадриятларни замонавий ёндашувлар асосида қайта жонлантириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётгани билан ҳам қадрли.

Ҳозирги глобаллашув даврида эзгу тушунчаларни, қадриятларни ёш авлод онгу шуурига синдириш ниҳоятда долзарб. Биз Халқаро мақом санъати анжумани каби тадбирлар воситасида минг йиллик тарихга эга маданиятимизни келажак авлодларга мерос қилиб қолдирамиз. Ишонманки, бу анъана изчил давом этаверади.

**Улуғбек РЎЗИМАТОВ**  
(«Халқ сўзи»).



## ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛАРНИ ЧОРЛАМОҚДА

Гейб Кастро-Рут Ўзбекистонга саёҳати давомида бу каби қўйилмаган ва ажабтовор воқеаларга бир неча бор гувоҳ бўлганини ёзади. Кўплаб ёш сайёҳлар сингари у туристик қўллар камрок, тасодифий саргузаштлар кўпроқ бўлган йўналишни хоҳлагани учун Ўзбекистонни танлаган. Муаллифнинг фикрича, айнан шу жиҳатлар Ўзбекистон ва Марказий Осиёга қизиқиш ошишининг асосий сабабларидан бири.

Таъкидланишича, кейинги йилларда мамлакатимиз ўзининг халқаро майдондаги қиёфасини яратиш борасидаги ишларни сезиларли даражада фаоллаштирди. Ўзбекистон хорижликларга 2016 йилда очилди ва шу йилдан ҳукумат мамлакатни ташқи бозорларда намойиш эта бошлади, блогерлар ва саёҳатчи муаллифларни тақлиф қилиш, меҳмонхона инфратузилмасини ривожлантириш, кириш қоидаларини соддалаштириш ишларига эътибор қаратилди. Мақолада шундай маълумотлар келтирилади: 2025 йилда

Ўзбекистон 11,7 миллион нафар хорижий сайёҳни қабул қилди. Бу эса 2019 йилдагига нисбатан қарийб икки баробар кўп.

Журналист ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон ҳақидаги хайратнаҳ қиқишлар кўпайганидан кейин барчасини ўз кўзи билан кўриш истаги

**“ 2025 йилда Ўзбекистон 11,7 миллион нафар хорижий сайёҳни қабул қилди. Бу эса 2019 йилдагига нисбатан қарийб икки баробар кўп. ”**

туғилганини таъкидлайди. Бу заминга у замонавий мегаполис ва тарихий меросни ўзига мужассам этган Тошкент шаҳрига учган тўғридан-тўғри рейс билан келган. Муаллиф Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида бўлиб ўтган балет кечаси ҳамда Тошкент метроси унда яқин ўтмиш ёдгорликлари сифатида унутилмас таассурот қолдирганини ёзади.

Сайёҳ тўхтаб ўтган яна бир ман-

зил — Чорсу бозори. Бу жой турли ширинликлар, ёнғоқлар ва қурилган мевалар сотиладиган шовқин-суронли, гавжум майдон сифатида тасвирланган. Муаллиф бу ердаги ҳолатни Истанбул ва Қуддусдаги энг яхши бозорлар билан қиёслаб экан, айнан шу нуқтада шаҳар

ҳаёти оқимини, мамлакат энергиясини ҳис қилиш мумкинлигини таъкидлайди.

Пойтахтдан Самарқандга йўл олган журналист бу қадимий шаҳардаги санъат ва меъморчиликнинг ўзаро уйғунлигидан хайратга тушганини айтади. Унинг юраги — кенг майдон узра юқалиб турган ун маҳобатли мадрасадан иборат Регистон. Энидаги Шоҳи Зинда мақбарасига эса одамлар тинггина ибодат қилиш учун

келишади. Муаллиф, айниқса, Самарқанднинг кўп қатламли эканига эътибор қаратади — маҳобатли ислом меъморчилиги, диний хотира ва туристик жозибадорлик бир вақтнинг ўзига, уйғун ҳолда кўз ўнгингизда намоён бўлади.

Самарқанддаги меҳмонхонада муаллиф ана бир бор Ўзбекистоннинг нақадар тез ўзгараётганидан хайратланган. Унинг қўшнилари тайванлик, германиялик ва швейцариялик сайёҳлар эди, шунингдек, бу ерда хорижий аёллар ҳам кўпчиликини ташкил этарди. Муаллифнинг фикрича, Ўзбекистон энди тажрибали сайёҳларга келадиган мамлакат эмас, у ҳар қандай турист учун ҳам очик ва тушунарли мамлакатга айланган.

Журналист Бухоро ҳақида алоҳида тўхталиб, бу шаҳарни замонлар силсиласи уфуриб турган маскан сифатида тасвирлайди. У мақбаралар, мадрасалар ва кўҳна бинолардан хайратланади, чинакам ҳунармандчилик муҳитини ҳис этади.

Хива мавзусига қайтар экан, муаллиф айнан шу ерда Ўзбекистонга

туристик оқим қанчалик ўсганлиги кўзга яққол ташланишини ёзади. Май ойида тезкор темир йўл қатновининг ишга туширилиши Тошкентдан бу шаҳарга келиш учун сарфланмаган вақтни кескин қисқартирди — энди у 14 эмас, 8 соати ташкил этади. Янги меҳмонхоналар, ҳатто девор билан ўралган кўрғон — Ичан қалъа ичида ҳам бунёд этилмоқда. Хива эврилишлар оstonасида турган шаҳарни эслатади.

Муаллиф бу жараённинг бошқа жиҳатига ҳам эътибор қаратади. Унинг фикрича, кўплаб машхур туристик масканларда бўлгани каби қизиқишнинг ортиси туфайли Хива шаҳрининг бир қисми шунчаки безакка айланиб қолиши мумкин. Шу билан бир қаторда кўзга яққол ташланиб турган обидалардан ташқари шаҳарнинг бир-бирини тўсиб турган яширин қатламлари — турли даврлар, маданиятлар ва истилоқлар изини ҳам кўради. “Хива тарихи, — деб ёзади Гейб Кастро-Рут, — аксарият ҳолларда турли кучларнинг ўзаро тўқнашувлари остида кечди, энди эса бу шаҳар бутун Ўзбекистонда бўлганидек, сайёҳларни ўзига ром этмоқда”.

**Руслан КЕНЖАЕВ**  
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

## ҲАҚИҚАТНИНГ ОВОЗИ

Журналист воқеаларни баён қилиш билан бирга уларни таҳлил этувчи, жамиятнинг дardини тингловчи ва халқнинг орзу-интилишларини ифодаловчи, жоиз бўлса, ҳақиқат учун курашувчи шахс. Шу боис журналистика оддий касб эмас, балки улкан масъулият, фидойилик ва қалбан бедорлик талаб қиладиган ҳаёт мактабидир.

Биз куйида фикрларини тақдим этаётган юртдошларимиз ва хорижликлар шу касбга умрини бағишлаган, ҳаёти мазмунини айнан шу соҳада кўрган инсонлардир.

**27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни**

**Қаҳрамон СОБУРОВ,**  
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси,  
Хоразм вилояти телерадиоканали муҳаррири:

— Менимча, одамга ҳаётдан маъно-мазмун топиши, саодатга эришиши, муваффақият эшиklarини очиши учун кўп нарса керак эмас. Агар киши ўзи истаган жойда, яхши кўрган касбда, дунёқараши яқин одамлар билан ишлайётган бўлса, бундан ортиқ бахт бормикан?!

Мана, 30 йилдан ошдики, азиз элдошларим севиб томоша қиладиган Хоразм вилояти телерадиоканалида фаолият юритмоқдаман. Ўтган йиллар мобайнида журналистик касбига садоқат ва меҳр билан ёндашиб, самарали ишладим, деб айта оламан. Чунки заҳматлар эвазига тайёрланган ҳар бир теледастуримни халқимиз яхши кутиб олди. Баъзан кўчакўйда одамларнинг “Кўрсатувингизни кўрдик, дим ажойиб чиқибди!” деб айтган сўзлари шу касбни бежиз танламаганимга янада ишонч ва куч-ғайрат бағишлайди.

Бугун ахборот теzkорлиги билан тарқалаётган бир даврда журналистан нафақат шийдат, балки ҳақиқатга садоқат ҳам талаб этилади. Чунки ҳақиқий журналист ҳар

қандай шароитда халқ ишончини сақлашни ўзининг энг муҳим вазифаси деб билади. Мен учун яна бир муҳим жиҳат — ёш журналистларга тажриба улашиш. Чунки соҳамизнинг эртанги куни ана шу билимли ва фидойий ёшлар қўлида. Улар миллий қадриятларга таянган ҳолда замонавий журналистикани ривожлантиришларига ишонаман.

Юртимизда ижод қилиш, янги гоёларни амалга ошириш ва халқ хизматида бўлиш учун барча имкониятларни ҳис қилиш зарур. Журналистлар эса ана шу имкониятларни халқ манфаати йўлида сафарбар қилиб, Ватанимиз тараққиёти, юртдошларимиз ютуқлари ва ҳаётимиздаги эзгу ўзгаришларни кенг ёритишда давом этамиз. Зеро, журналист учун энг катта шараф халқ ишончига муносиб бўлиб яшашдир.



**Турол ТУРОН,**  
Озарбайжон Журналистлар уюшмаси аъзоси:

— Журналистларни жамиятга ҳақиқат нафасини улашувчи шахс дейишлари бежиз эмас. Айнан уларнинг бир қадар машаққатли ва шарафли меҳнатлари эвазига жамиятдаги қарама-қаршиликлар ечим топади, қилинаётган эзгу ишлар адолат палласида тош босади.

Агар инсоният тараққиёти тарихига назар ташласак, ҳар бир даврнинг ўз овози, ўз гувоҳи бўлганини кўришимиз мумкин. Бу баъзан тарихчи, баъзан ёзувчи, баъзан эса журналист бўлган.

Фикримча, ахборотлар оқими жадаллашган замонамиз шохиди айнан касбдошларимиздир. Бугун уларнинг олдида катта вазифа турибди, бу мушкул ва шарафга сазовор вазифа — оқи оқ, қорани қора дея олишдан иборат. Мазкур соҳа вакиллари қачонлардир тўсиқларга учрагани, эркинликини фақат ва фақат оруз қилгани ҳам бор гап. Ўша замонларни эслаб машхур адиб Альбер Камюнинг “Эркин матбуот яхши ҳам, ёмон ҳам бўлиши мумкин, аммо эрксиз матбуот фақат ёмон бўлади” де-

ган ҳикмати сўзлари ёдга тушади. Ушбу фикрнинг ўзидек журналистиканинг жамият ҳаётидаги беқиёс аҳамиятини яққол ифода қилади.

Шу маънода, журналистлари эъзозланган юрда истиқболга, фаровон ҳаёт ва бахтли келажакка инсонларнинг ишончи мустаҳкам бўлади. Мен бундан бир неча йиллар олдин Ўзбекистонда бўлганимда касбдошлар билан кечган суҳбатлар ва қардошларимизнинг журналистика соҳасидаги ўзгаришларни кўриб жуда хайратлангандим. Айниқса, ёш журналистларга яратилган имкониятлар эътиборга молик.

Фурсатдан фойдаланиб, айна кунларда касб байрами нишонланаётган Ўзбекистонлик касбдошларимизни чин дилдан қутлайман ва сийҳат-саломатлик тилайман!

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**  
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.



**2026 йил 1 сентябрдан бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва стипендиялар миқдори 7 фоизга оширилади.**

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 22 376 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-87.



Тахриратга келган кўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.  
Газета тахрират марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.  
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
**100066,**  
**Тошкент шаҳри,**  
**Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.**  
Набатчи муҳаррир — **Ғ. Бахромов.**  
Мусахҳих — **Ш. Машраббоев.**

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.55 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6